

Бақара сураси, 66-оят

09:05 / 16.09.2017 3902

Бас, буни ундан олдингиларга ва кейингиларга бездирувчи иқоб ҳамда тақводорларга мавъиза қилдик. Бақара 66.

Ушбу хабарлардан Бану Исроилнинг яна икки ахлоқини билиб олиш мумкин.

1. Кўп таъкидлашга қарамай, ўзларига тушган ваҳийдан, илоҳий кўрсатмалардан юз ўгириш.
2. Буйруқ ва қайтариқларга юзаки амал қилган бўлиб, аслида хилоф иш тутиш.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:

«Яҳудийлар қилган ишни сизлар қилманглар, Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳар хил ҳийлалар билан ҳалол ҳисобланглар», – дейдилар.

Эндиги келадиган оятларда Аллоҳ таоло Бану Исроилга алоқадор бўлган машҳур Бақара (сигир) ҳодисасини эслатиб ўтади. Ушбу сураи кариманинг номи ҳам шундан олинган.